



Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил

8 октябрь

ШАНБА

№ 80

(12.404)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАДБИРКОР УЧУН ИМКОНИАТ

25-29 октябрь кунлари Тошкентда V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилмоқда. Вилоят ҳокимлигида шу масалага бағишланган йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари Солиқ Абдуллаев бошқарди.

Ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ички ва ташқи бозорлардан керакли хом ашё ва янги технологиялар вақтида олиниши ҳамда ўз маҳсулотлари узлуксиз сотилишига боғлиқ. Шу боис эртани ўйлайдиган ишбилармону тадбиркор борки, ички ва ташқи ҳамкорлар билан барқарор алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилади. Бунда уларга ҳар йили ўтказилаётган халқаро саноат ярмаркалари ва кооперация биржаси тобора ишончли ёрдамчига айланиб бормоқда. Ишнинг кўзини билладиган тадбиркорлар унда ўз маҳсулотларини кенг намойиш қилишапти.

Вилоят ҳокимлигидаги йиғилишда IV Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида 2011 йил учун тузилган шартномаларнинг бажарилиши ҳамда 25-29 октябрь кунларига белгиланган навбатдаги шундай тадбир юқори савияда ўтишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли гуруҳ, қотибят, бошқармалари ва корхона раҳбарлари, шахар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этишди.

IV Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида вилоятимиздаги 18 та корхона 38 турдаги маҳсулотларини намойиш қилганди. Уларнинг 12 таси маҳаллийлаштириш дастурида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналардир. Таъкидландики, ярмарка кунлари тузилган шартномаларнинг

ижросини тўлиқ таъминлаш учун амалий чоралар кўрилди ва узлуксиз мониторинг ўтказиб борилди. Мавжуд муаммолар корхона ва тармоқлар бўйича муҳокама қилиниб, долзарб масалаларга ечим топишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада шартномалар изчил бажарилиб, корхоналарнинг экспорт салоҳияти юксалди, керакли хом ашё ва технологиялар импорти кенгайди.

Маърузачи ва нотиқлар асосий эътиборни V Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасига тайёргарликни кучайтиришга қаратишди. Бугунги кунга қадар 24 та, шу жумладан, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 10 та корхона ўз буюртмаларини тақдим этди. Қолган қисқа фурсатда барча ташкилий ишлар якунланиши, туман ва шахар ҳокимликлари 2011 йил учун тузилган шартномалар тўлиқ бажарилиши, V ярмаркада яратилаётган қулай имкониятлардан фойдаланиб, корхона раҳбарлари, кичик бизнес субъектлари, тадбиркор ва мутахассислар унда фаол иштирок этишлари, 2012 йил учун маҳсулотлар сотиб олиш юзасидан кўпроқ шартномалар имзоланишини таъминлашлари зарур. Вилоят бошқармалари бу борада уларга керакли ахборот ва маслаҳатларни бериб боришлари, шартномаларни бажариш жараёнларини таҳлил қилиб, кун тартибига қўйилаётган барча масалаларга тезроқ ечим топилишига эришишлари керак.

ШЕРИКЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентда "Омбудсман, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда Хотин-қизлар қўмитасининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини нафақат давом эттириш, балки уларни мустақамлаш ва янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган излашлар, бу йўлда эришилаётган ютуқ ва айрим масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Анжуман сўнггида жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик битимлари имзоланди.

"Туркистон-пресс".

2012
йил учун

ОБУНА

бошланди

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси —
205.



ПАХТА - 2011



Бирор йил канда қилмай, шартномани қисқа муддатда ва ортиги билан бажарилишининг асосий омилли нима?

Гап шундаки, чинозликлар ҳар мавсум бирдек мўл ҳосил етиштирадilar. Далаларда пахта лўппи бўлиб, чаноклардан тошиб турса, теримчиларнинг ҳам завқи жўш уриб, бош кўтармай тергилари келаверади. Оппок либосга бурканган пахтазорлар маҳаллий уюшмаган аҳолини ҳавасини уйғотиб, далага ундайди. Уй-рўзгор юмушларидан бўшаган вақтларида улар ҳам теримга чиқишиб, фермер хўжаликлари аъзоларига ёрдам берадилар. Шу баҳо-

нада қисқагина терим мавсумида дурустгина даромадли бўлиб, оилаларининг у-бу камчилигини бутлаб оладилар.

Шартномани ортиги билан қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун парварошчи ўрнига қўйиш керак. Бу масалада ҳам чинозликларнинг тажрибалари етарли. Улар, айниқса, С-6524 ва "Омад" навли гўза навлари агротехникасини обдон ўрганишган. Гўза ниҳолларини яғналашдан бошлаб, бегона ўтдан тозалаш, ўғитлаш, қатор ораларини тез-тез юмшатиб, экинни яйратиш, суғориш ҳамда чеканкани айнаи вақтида ва сифатли бажаришди.

ОФАРИН, ЧИНОЗ!

Туман вилоятда яна биринчи

Бир неча йилдирки, чинозликлар давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартнома мажбуриятини вилоятда биринчи бўлиб бажараяптилар. Бу йил ҳам ушбу яхши аънава бўзилмади. Қабул пунктларига шартномадаги 19 минг 658 тонна ўрнига 19 минг 700 тонна юқори навли хом ашё етказиб берилди.

Шуниси диққатга сазоворки, туман фермерлари ҳар йили йиғим-терим мавсуми бошланишиданоқ пешқадамликни қўлга олиб, суръатни кун сайин ошириб борадилар. Бир неча кун давомида қабул пунктларига шартноманинг 5 фоизидан ошириб пахта топширилмоқда.



Ҳосилга ҳосил қўшилаётган август ойида фермер хўжаликлари аъзолари зийракликни янада оширишади. Негаки, айнаи шу муддатда гўзага берилган ҳар қандай ишлов асосан бор ҳосилни сақлаб қолиш ва чўғини оширишга хизмат қилади. Айниқса, гўзани сувга қондириш ва чеканкани сифатли ўтказишнинг аҳамияти катта. Дарвоқе, чинозликлар йиғим-терим мавсумига ҳар жихатдан пухта тайёргарлик

кўришга ҳам долзарб август ойидаёқ киришишга одатланишган.

— Биз пахта теримини бригада ва отряд усулида бошқарамиз, — дейди туман ҳокимлиги бош мутахассиси Одил Акбаров. — Масалан, бу йил ҳар бирига 6-7 аъзо бириктирилган 144 та отряддан иборат 22 та бригада йиғим-терим ишларини бошқарди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТАЛАРДА: тумандаги «Муқимий» фермер хўжалиги раҳбари Муқим Эрхўжаев; "Ғуломов Мирқомил" фермер хўжалиги раҳбари Мирқомил Ғуломов ва "Эргашев Қалмон" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Эргашевлар хирмонга муносиб ҳисса қўшилдилар. Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ТОШЛОҚДА «ОҚ ОЛТИН» УНДИРИШ ОСОНМАС

Пискент туманидаги "Ҳожиёв Довудбек" фермер хўжалиги ерлари тошлоқ. Тупроқдан нам тез қочади. Сув эса танқис. Тез-тез суғориб турганининг имкони йўқ. Ёзининг чилласида кунлар обдон қизган кезларда бундай далаларда ҳарорат бошқа майдонлардагига нисбатан анча юқори бўлади. Айнаи қўсаклаётган гўзага эса, ҳароратнинг 37-38 дара-

жадан юқориси ортиқча. Ҳам чанқоқлик, ҳам ҳароратнинг зўридан гўза лоҳасланиб, бир қисм ҳосил тугунчаларини тўкиб юборади. Бу иккинчи-учинчи теримларнинг чўғи бўлмайди деган гап.

Хўш, нима қилиш керак? Табиий ноқулайлик сабабли йўқотиладиган ҳосил ўрнини тўлдиришнинг чораси борми?

Фермер Сайёра Ҳожиёва кўпдан бери шу ҳақда бош қотириб, чора излаб юрарди. Эрта кўкламда вилоят бўйича чигитни қўшқаторлаб экиш масаласи кўтарилди-ю, С. Ҳожиёва излаганини тоғандай бўлди. Аксарият фермерлар бу янгиликка ишонқирамай, чўчиброқ қарашган пайтда у ҳеч иккиланмай, пахта учун ажратилган 65,6 гектар майдоннинг 60 гектарига "Ан-Боёв" навли чигитни қўшқаторлаб экиди ва кўчтадан ютди. Деҳқонларда эса ҳосил кўчтадан олинди деган гап бор.

— Шартномага кўра, бу йил давлат эҳтиёжлари учун 148,1 тонна пахта топширишимиз керак эди, — дейди Сайёра Ҳожиёва. — Теримни бошлаш олдида ҳамма майдонларни айланиб, ҳосил чўғини чама-лаб кўрдик ва далаларимизда камида 200 тонна ҳосил

борлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу асосий майдонларга чигитни қўш қаторлаб экканимизнинг самараси, албатта. Буёғига теримни уюшқоқлик билан бошлаб, суръатни бўшаширтмасак, тез кунда шартномани ортиги билан бажаришимиз маълум бўлди.

Фермер тўғри айтди. Қалин туплардаги ҳосил обдон пишди етилиб, чаноклардан тошиб турса, маҳаллий уюшмаган аҳоли ҳам уйда хотиржам ўтиролмас экан. Ҳар кун 50-60 чоғли одам теримга чиқиб турди. Хўжалик аъзолари бундан руҳланиб, бутун оилалари билан эрта тонгдан кеч қоронғисигача далани тарқ этишмади. Фермер Сайёра Ҳожиёва теримчиларнинг иссиқ-совуғи ҳақида шахсан ўзи қайғурди. Иссиқ чой, тушлик тамадди бевосита дала бошига кўчирилди. Шу зайдда

кунига қабул пунктларига 10 тоннадан ошириб пахта жўна-тиб турилди. Ҳар кун хирмонга 150-160 килограмми етказиб пахта тўккан чевар теримчиларга эсдалик совғалари бериб берилди. Бундай рағбат теримчилар ўртасида ким ўзарга ишлаш ҳаракатини кучайтириб юборди. Натижада уларнинг кунлик иш унумлари ўртача 120 килограммдан паства тушмади.

Ҳосилнинг мўллиги, теримчиларга яратилган қулай шароит, моддий рағбат қўтилган самарани берди. Қисқа муддатда қабул пунктларига 163 тонна юқори навли хом ашё топширилиб, шартнома мажбурияти ортиги билан бажарилди.

Фермер айтганидек, ҳали далада ҳосил мўл. Иккинчи терим давом этаёпти.

Самад ЙЎЛДОШ.



СУРАТАДА: фермер Сайёра Ҳожиёва.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Куз ёмири бўй кўрсатиб, ҳамма ни оғоҳлантирди. Далаларда оппоқ очилиб турган пахтани тезроқ териб олиб, хирмонларга уйиш ҳаракатини янада кучайтириш зарур.

РАҒБАТ БОР ЖОЙДА УНУМ БОР

Шундай қизғин кунларда Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон беш йиллиги" фермерлар уюшмаси таркибидagi хўжаликлар теримни жадаллаштиришапти. "Балиқчи" фермер хўжалиги биринчи теримдаёқ хирмонга 121 тонна пахта уйиб, шартнома режасини бажариб қўйганига бир ҳафтадан ошди. "Ғани илгор агро", "Олимпжон Ҳамид Агро" ва бошқа фермер хўжаликлари ҳам маррага жадал етиб келишапти.

Ўтган сешанба кунги касба ташкилотлари Қуйи Чирчиқ туманида теримчиларни рағбатлантириш акциясини ўтказишди. Шу кунги Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан вилоят касба ташкилотлари бирлашмаси кенгаши илгор теримчиларга 5 миллион 493 минг сўмлик кийим-кечак ва бошқа совғалар тарқатди.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

«САХОВАТ»ГА БИР КЕЛИНГ

Келес шаҳарчасидаги Зоир Пўлатов маҳалласида тўрт юз ўринли "Саховат" гузари қуриб битказилди.

"Микрокредитбанк"нинг Келес бўлими Дада-жоновлар оиласига берган маблағ ҳисобига қурилган гузарда маросимлар ва банкет заллари, маиший хизмат кўрсатиш хоналари ишга тушди.

Шу ернинг ўзига таклифнома, фото, видеотасвир ва визиткаларга буюртма бериш ҳам мумкин.

ҒОЛИБЛАРГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида 56-мактабда ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг футбол баҳслари ниҳоясига етди.

Беллашувда еттига 9-синф ва олтига 8-синф футбол жамоалари ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Мусобақаларда 9- ва 8-синф жамоалари ғолибликни қўлга киритишди.

Шунингдек, "Энг яхши дарвазавон", "Ҳимоячи", "Ярим ҳимоячи" ва "Ҳужумчи" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқ ҳамда дипломлар топширилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Тумандаги 36-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муҳаббат Исмаилова "Келажак овози" кўрик-танловининг туман ҳамда вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритди.

Адабиёт ва публицистика йўналишида билим ва иқтидорини намойиш этган М. Исмаилова республика босқичига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Ирода МАҚСУД қизи.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

ТЕНГДОШЛАРИНИ ЙЎҚЛАШДИ

Шаҳар ва туманлардаги меҳрибонлик уйлариининг жисмоний имконияти чекланган болажонларига кўмак сифатида "Қамолот" ЁИХ вилоят кенгаши "Саховат" тадбирини ўтказди.

Тадбир доирасида Чирчиқ шаҳри "Қамолот"чилари тенгдошлари ҳолдан хабар олишди. Бу каби саховат тадбири Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болажонлар учун ҳам ташкил этилиб, болажонларга совғалар топширилди.

ПАХТА - 2011

СИФАТЛИ ТОЛАГА
ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган аънавий Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси жаҳон бозорида мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толасига қизиқиш ва талабнинг ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.



Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш борасида қўйилаётган чора-тадбирлар саноат корхоналари фаолиятини изчил ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Пахта хом ашёсини қайта ишлаш, ушбу тармоққа хорижий сармояларни кенг жалб этиш, пахта хом ашёсини ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича Тошкент вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни кунда вилоятда пахта хом ашёсидан ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўнлаб саноат корхоналари самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, ўрта Чирчиқ туманидаги "Spentex", Бўстонлиқ туманидаги "Осборн текстиль", Чирчиқ шаҳридаги "Бур-сель Тошкент" қўшма корхоналари, Чиноз туманидаги "Chinoz textile", Янгийул туманидаги "Plasteks" масъулияти чекланган жамиятлари каби саноат корхоналарида пахта толасидан тайёрланаётган маҳсулотлар ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топади.

Президентимиз раҳнаомлигида хорижий сармоядорлар учун кулай инвестиция қилиш, ишончли қаролар ва имтиёзлар яратилиши; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш тизimini жорий этилгани саноат корхоналари ривожига муҳим аҳамият касб этаётди. Буни Чиноз

туманидаги "Chinoz textile" корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан мазкур корхонага ажратилган инвестициялар ҳажми 5 миллиард 240 миллион сўмини ташкил этади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида корхона сифатли ип ва газлама етказиб берувчи ишончли шерик сифатида хорижа 6,931 миллион АҚШ доллари қийматида маҳсулот экспорт қилди. Аънавий равишда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси корхонанинг бундай ютуқларга эришишида алоҳида ўрин тутмоқда.

— Пахта ярмаркасида доимий равишда иштирок этиб келамиз, — дейди "Chinoz textile" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахриддин Эшмиров. — Бу бизга чет эллик харидорларимиз сифатини кенгайтириш, маҳсулотимиз сифатини янада яхшилаш, тажриба алмашиш учун катта имконият яратиб бермоқда.

2009 йили Янгийул туманида ишга туширилган "Plasteks" ип йигирув корхонаси ҳам яратилаётган бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириб бормоқда.

"Plasteks"да бугунги кунда 500 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш цехлари замонавий технологиялар билан жиҳозлангани юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Корхонада йилга 10,5 минг тонна пахта толасидан ип қалава ишлаб чиқарилиб, Испания, Италия, Польша, Туркия, Эрон, Россия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.



ОФАРИН, ЧИНОЗ!

Уларнинг асосий вазифалари ҳосилнинг пишиб етилишини кузатиб, чўғини чамалаб, қайси майдонга теримчиларни қачон тушириш, улар учун қулай шaroитлар яратиш, иссиқ чой-овқат билан вақтида таъминлаб туриш, шунингдек, ҳосилнинг тоза терилишини назорат қилиб боришдан иборат. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республика тижорат банкларининг туман бўлимлари ҳодимлари ҳам терим мавсумининг муваффақиятли ўтишига амалий ёрдам

(Давоми. Боши 1-бетда).

беришади. Уларнинг саяй-ҳаракатлари билан теримчилар хирмонга тўққан пахтали ҳақини ҳар беш кунилик якунида нақд олиб турадилар.

Хулоса қилиб айтганда, Чиноз тумани пахтакорларини бу йил шартнома мажбуриятини 25 иш кунинида бажаришга эриштирар. "Муқимий", "Ўринбой ҳожи", "Ҳуломов Миркомил", "Тўхтабой ота наби-ралари", "Йўлчибой ота",

"Озод обод Чиноз", "Агманов Султон" каби йирик фермер хўжаликлари туманнинг умумий хирмони-га, айниқса, салмоқли ҳисса қўшиди.

Айни кунларда туман пахтазорларида иккинчи терим давом этапти. Туман раҳбарлари ва мутахассисларининг таъкидлашларига қараганда, фермерларда қабул пунктларига яна камида 2000 тонна пахта топшириш имкони бор.

СУРАТДА: "Ўринбой ҳожи" фермер хўжалиги раҳбари Абдуғаффор Ақромов.
Даврон АҲМАД олган сурат.

РАҒБАТ БОР ЖОЙДА УНУМ БОР

Вилоят касабта ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шухрат Дехқонов Бирлик қишлоғидаги фермер хўжаликлари пахта далаларида меҳнат қилаётган теримчиларга амалга оширилаётган иш-лохотларнинг натижалари, ғаллачилик, пахтачилик, чорвауидиқда эришилаётган муваффақиятлар ҳақида таъбири берди. Жаҳонгир Бердимуродов, Муҳаббат Неъматуллаева, Фаррух Имомов, Музаффар Туллаев, Дилобар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтбосарова, Юлдуз Умарова, Тўлқин Исфандиёров каби ўнлаб терим илгорларига чой сервислари, кийим-бош ва пойабзал топширди. Теримчилар куй-қўшиқ тинглаб, дам олиш маркази ҳовлисини тўлдириб рақсга тушишди.

Ўзбекистон касабта уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тармоқ касабта ташкилотлари пахтакорларни рағбатлантирувчи шундай тадбирлар ўтказаяпти. Улар ҳозиргача Бекобод, Бўка, Пискент, Янгийул, Чиноз туманларида пахта тераётганлар-

га 7 миллион 503 минг сўмлик кийим-кечак ва пойабзал тарқатишди.

Теримчиларни рағбатлантириш тадбирларида давлат муассасалари, агро-саноат, таълим ва фан, транспорт, соғлиқни сақлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳодимлари касабта уюшмалари вилоят кенгашилари ва вакилликлар фаол қатнашмоқдалар. Пахта далаларида шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, санъат усталарининг концертлари ташкил этиляпти.

Юсуф ЖУМАЕВ.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Миллий маданият ва санъатнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш чора-тадбирлари, муаммо ва ечимлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

ЁШЛАРГА — МАДАНИЯТ ВА
САНЪАТ ТАЪЛИМИ

Мустиқилликнинг биринчи кунлариданқош ёш авлодининг маънавий тарбияси, маданий дунёқарашини бойитиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Бу айниқса, ўрта махсус ва олий ўқув юртиларида маданият ва санъат соҳалари учун профессионал кадрларни тайёрлаш жараёнида аёлоқ намоён бўляпти. Ҳозир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошдаги 21 та махсус академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фарзандларга шундай билимлар берилляпти.

Ўрта-махсус ва олий ўқув юртилари ўқувчилари ўртасида иқтидорли ёшларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор танлов ва фестиваллар ўтказилляпти. Уларда ёш талентлар ижодий қобилиятларини намойиш қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Булар қаторида "Санъат ғунаҳлари", "Янги авлод", "Келажак овози" каби танлов ва фестиваллар алоҳида ўрин тутаяди.

Охириги 10 йил давомида ўрта-махсус ва олий ўқув юртилари ўқувчилари 463 та соҳа бўйича дунёнинг турли мамлакатларида ҳамда республикада ўтказилган фестивал ва танловларнинг лауреатлари бўлишди.

Юлдузхон МУХИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАРКАЗДА ТИББИЙ
КЎРИҚДАН ЎТИШДИ

Тошкентда Кореядан келган юқори маълум мутахассислар болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Саломатлик ҳафталиги ва "Оила саломатлиги" лойиҳаси доирасида ўтказилган тиббий текширувлар "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ва "Ҳаёт учун" кўрак беги саратони миллий уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Республика Шоши-лич тиббий ёрдам ил-ги марказида 29 нафар беморга мия ўсма-ларини бартараф қилиш бўйича нейрохирургик хайри операциялари ўтказилди. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, жарроҳлик операциялари ва кейинги даволаш патронажи учун зарур бўлган барча тиббий анжуман, асбоб-ускуна-

СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ҚИШНИНГ ҒАМИНИ
БҮГҮН ЕМОҚ КЕРАК

Куз ҳукмини ўткази бошлади. Ҳозир ҳар бир хонадон соҳиби, маҳаллаю қишлоқ оқсоқоллари, юрт саркорлари қиш-қировли кунларини ортиқча "елиб-югуришларсиз" ўтказишга замин яратиш ташвиши — қиш-баҳор ойлари учун етарли озиқ-овқат, мева-сабзавот жамғариб қўйиш ҳаракати билан банд.

Бу долзарб масала Халқ депутатлари вилоят кенга-шининг навбатдаги сессия-сида ҳам кизгин муҳокама қилинди. Депутатлар те-гишли хўжалик, ташкилот, муассаса раҳбарларидан, айрим шахар ва туман ҳокимларидан шу соҳага оид режалар қандай бажарилаётгани ҳақида ҳисобот талаб қилишди. Саволлар кескин, эътирозлар қучли бўлди. Чунки, баъзи йўна-лишлардаги саяй-ҳаракат-лар қонқарли эмас.

Республика Вазирлар Маҳкамаси озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, куз-қиш-баҳор ойларида аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бунинг учун турли маҳсулотларнинг етарли захирасини ғамлаш чора-тадбирларини кўриш хусусида тегишли қарорлар қабул қилган. Хўш, ҳуку-матнинг бу кўрсатмалари қандай бажарилмоқда?

Авалло, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган совутигчи омборхона-лар хусусида. Йил бошида уларнинг ялпи сигими 13 минг тонна эди. Табиийки, бу талабга жавоб берма-ди. Шунинг ҳисобига олиб,

вилоят ҳокимлиги 2011-2015 йилларда совутигчи омборхоналар қуриш ва мавжудларни модернизация қилишнинг манзилли дастурини тасдиқлади. Унга кўра, вилоятда 22,5 минг тонна сифимли 23 та янги замонавий совутигчи омборхона қуриш, мавжуд 15 та омборхонанинг 11 тасида ускуналарни модернизация қилиш керак.

"Ўзлугуржисавдоинвест" уюшмасининг вилоятимиздаги корхоналари, ташқи савдо компаниялари, ша-ҳар ва туманлардаги йирик ва хусусий корхоналар дастур юзасидан муҳим вази-фаларни амалга ошириш-лари лозим. Чунки, шу фурсатда "Ўзлугуржисавдоинвест" корхоналари 7,6 минг тонна сифимли 9 та янги совутигчи омборхо-

нани барпо этиб, мавжуд 6 та омборхонада совутигчи-ларни модернизация қилишлари белгиланган. Бу лойиҳаларни амалга оширишга 7,6 миллиард сўм сарфланиши керак. Ташқи савдо компанияла-ри эса, лойиҳавий қиймат-лари 12,3 миллиард сўмлик 6 минг тонна сифимли со-вутигчи омборхона барпо этиши кўзда тутилмоқда. Дастурда шахар ва туман-лардаги йирик ва хусусий корхоналар олдида масъу-лиятли вазифалар қўйил-ган. Улар 16,8 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулот-лар сақланадиган 14 та янги совутигчи омборхо-на ташкил этиб, мавжуд 5 та қувватли модернизация-лашлари зарур. Ушбу ло-йиҳаларни молиялаштириш учун 12,5 миллиард сўм миқдоридан банк кредитла-ри талаб этилади.

2011 йил учун белгилан-ган вазифаларни амалга оширишга баъзи мутасад-дилар уюшқоқлик билан киришишди. Бу мақсадлар учун 7 миллиард сўм маб-лағ йўналтирилди. Унинг 2,7 миллиард сўми корхо-наларнинг ўз маблағлари, 4,3 миллиард сўми эса, банк кредитлари.

"Техно Хладо сервис" масъулияти чекланган жа-мийяти 420 тонна сифимли замонавий омборхонани қуриб битказди. У Герма-ниянинг "Биксер" фирма-си технологиялари асоси-да барпо этилди. Қисқа фурсатда бу омборхонада 200 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари за-хираси яратилди.

Шунингдек, Янгийул ту-манидаги "Пиканто Фуд", Зангиота туманидаги "Аг-ровер", Паркент туманида-ги "Паркент грейн", "Эр-бисан Барака", "Заркент саховати" масъулияти чек-ланган жамиятларида ҳам катта-кичик совутигчи ом-борхоналар қуриб, ишга туширилди.

Умуман олганда, сентяб-гача вилоятимизнинг турли шахар ва туманларида 5 та

янги омборхона иш бош-лади. Натижада жами ом-борхоналар қуввати 22,2 минг тоннага етди.

Лекин дастур ижросини таъминлашда банк муассасаларининг иштироки суст. Бу сессияда ҳам алоҳида таъкидланди. Гап шундаки, 1 сентябрь ҳолатига бажари-лган қурилиш ишлари-нинг молиявий таъминоти-да тижорат банкларининг ҳиссаси фақат 847 милли-он сўмини ташкил этди. Жумладан, "Савдогарбанк" Бўстонлиқ туманидаги "Гулфруза Оразалиева" фермер хўжалигидаги со-вутигчи омборхонани мо-дернизация қилишни кре-дит билан таъминлаши кўзда тутилган эди. Фер-мер модернизация ишла-рининг 20 фоизини ўз маб-лағлари ҳисобига бажариб, банк 100 миллион сўм кре-дит ажратмагани учун ҳара-кат тўхтаб қолди. Шундан кейин фермер "Микрокре-дитбанк"ка мурожаат қилиб, ҳужжатлаштиришни янгидан бошлашга мажбур бўлди. Ишлар чала қолиб, қайта ускуналанган омбор-хонани ишга тушириш му-ддати чўзилиб кетди.

Бўстонлиқ туманида қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларини захирага ғамлаш бўйича сентябрь ойи учун тасдиқланган режа-топи-рик ҳам 33,4 фоизда қолиб кетди. Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари, Оққўриқ, Охангарон, Пискент туман-ларида ҳам сентябрь ойи режаси бажарилмади.

Далаларда мева ва саб-завотларни йиғиштириб олиш сўнгги паллага кир-ди. Шу ганимат фурсатни бой бермай, битиб қолаёз-ган омборхоналарда қури-лиш ва модернизациялаш ишларини жадаллаштириш керак. Шунда 17,5 минг тонна картошка, 11,5 минг тонна пиёз, 6 минг тонна сабзи, 6,5 минг тонна ка-рам, 17,8 минг тонна мева, 7,1 минг тонна қовун-тар-вуз, 3,5 минг тонна гуруч, 1,2 минг тонна дуққакли дон маҳсулотлари омбор-ларга ғамлаб қўйилди. Бу куз, қиш ва баҳор ойлари-да аҳолини қишлоқ хўжа-лик маҳсулотлари билан таъминлашнинг асосий шартидир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАМКОРЛИК
РИВОЖЛАНМОҚДА

"Ўзэксспомарказ"да "Ўзбекистон қаттиқ фой-дали қазилмаларининг инвестицион салоҳияти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тад-бир Ўзбекистон Республикаси Геология ва мине-рал ресурслар давлат қўмитаси томонидан та-ш-кил этилди.

Унда Ўзбекистон, Хитой, АҚШ, Россия, Германия, Италия, Швеция, Австрия, Нидерландия, Финляндия, Канада, Буюк Британия, Чехия, Польша, Қозоғис-тон, Норвегия каби мамла-катлар фирма ва компания-ларининг 160 дан зиёд раҳбар ва вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда мамлақати-мизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомли-гида хорижий сармоядор-лар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яра-тилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар чет эл фирма ва компанияларининг Ўзе-бистонга қизиқишини тобо-ра ошираётгани алоҳида таъкидланди. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислотлар нати-жасида иқтисодиётни жа-дал ривожлантириш, шу жумладан ер ости бойли-лари захирасини ўзлашти-риш учун барча шарт-ша-роитлар яратилган.

Ўзбекистонда олтин, уран, мис ва фосфорит конларидан ташқари, уч мингдан ортиқ кон ва фой-дали қазилма турлари, жумладан, асл, рангли,

нодир ва қора металллар, ёқилғи-энергетика, тоғ-кимё, кон-руда хом ашё-си, шунингдек, қурилиш материаллари маъданлари мавжуд.

Жаҳон иқтисодиётидаги замонавий тенденциялар ушбу қазилма бойлиқла-рига талаб катталлигини, шу-нингдек, Ўзбекистонда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини янада ри-вожлантириш ҳамда улар асосида янги санъат тар-моқларини ташкил этиш имконияти юқорилигини кўрсатмоқда.

Конференция иштирок-чилари Ўзбекистоннинг геология ва тоғ-кон саноа-ти, минерал хом ашё ба-заси, мамлакатимиз иқти-содиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўна-лишлари, юртимизда давом этаётган кенг қўламли ху-сусийлаштириш жараёни, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар билан таништи-рилди. Фойдали қазилма-ларни ўзлаштиришда хори-жий компаниялар билан ҳамкорлик имкониятлари-га оид масалалар муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЎЗГИДРОМЕТ:
АНИҚ ВА АСОСЛИ БАШОРАТЛАР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Мазкур хизмат раҳбарияти оммавий ахборот воситалари ҳодимларини гидро-метеорологик тизимни такомиллаштириш ва интер-фаол фаолиятини таъминлаш борасида амалга оши-рилаётган ишлар билан таништирди.

Жамиятнинг ривожлантириш-нинг ҳозирги босқичида ҳаёти-мизни гидрометеорология хиз-матисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, бу хизмат нафақат иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги, авиация каби кўплаб ҳабабхалари фао-лияти, балки давлатимиз хавф-сизлиги билан ҳам боғлиқ бўлган муҳим вазифани ба-жармоқда. Мустиқиллик ма-млакатимиз гидрометеорология хизмати фаолиятида янги им-кониятлар очди, унга халқаро ривожланиш даражасига кўта-рилдиш имконини берди.

Матбуот анжуманида истик-лол йилларида Гидрометеоро-логия хизмати томонидан ил-мий-техник салоҳиятини тако-миллаштириш, турли об-ҳаво ҳолатларини олдиндан айтиб бериш, улардан аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш бўй-ича салмоқли ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Тадбирда Гидрометеороло-гия хизмати маркази бош ди-ректорининг биринчи ўринбо-сари Бахтиёр Қодиров марказ фаолияти одамлар ҳаёти ва мулкнинг ҳимоя қилиш, атроф-муҳит мониторингини олиб бориш ва муҳофаза этиш, бар-қарор иқлимий-иқтисодий ри-вожланиш, мамлакатимиз аҳолиси ҳамда иқтисодиёт ҳавфсизлигини таъминлаш, фу-қаролар фаровонлигини оши-риш борасидаги ишлар билан бевоқифа боғлиқлигини таъкид-лади. Шу муносабат билан Гидрометеорология хизмати маркази БМТ Мингйиллик дек-ларациясида эълон қилинган Ривожланиш мақсадларини амалга оширишда фаол ишти-рок этмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яра-тилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар чет эл фирма ва компанияларининг Ўзе-бистонга қизиқишини тобо-ра ошираётгани алоҳида таъкидланди. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислотлар нати-жасида иқтисодиётни жа-дал ривожлантириш, шу жумладан ер ости бойли-лари захирасини ўзлашти-риш учун барча шарт-ша-роитлар яратилган.

Каримов раҳнаомлигида бери-лаётган доимий эътибор сама-расида Ўзбекистон Гидромете-орология хизмати фаолияти то-бора такомиллашмоқда. Ўзе-бистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелда қабул қилинган "Ўза-бекистон Республикасининг Гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида" - ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга би-ноан Гидрометеорология хиз-мати маркази янги макомга эга бўлди ҳамда ўз фаолиятини кенгайтирди. Айни пайтда мар-каз метеорологик, агрометеоро-логик, гидрологик йўналиш-лар бўйича гидрометеорология хизматлар қўрсатиб, иқлим ўзгаришларига оид маълумот-лар билан таъминламоқда, хавфли ҳодисаларни монито-ринг қилмоқда.

Бугун мамлакатимизда 78 метеорология, 19 гидрология станциялари фаолият кўрсат-моқда. Шунингдек, 15 авиация метеостанцияси, юқори метео-рология ва рангли монито-ринг станциясида кузатув иш-лари, 63 станция ва 33 постда агрометеорологик кузатувлар олиб бориляпти. Бундан таш-қари, Гидрометеорология хиз-мати атмосфера, юза сувлар, тупроқ флосланшини ва рангли мониторингини амалга оширмоқда.

Сўнгги йилларда гидроме-теорология тизимининг техник базасини такомиллаштиришга доир кенг қўламли ишлар ба-жарилди. Хусусан, Тошкент, Нукус ва Самарқанд шаҳарла-рида хавфли гидрометеороло-гик ҳолатлардан тезкор огоҳ-лантириш учун янги метеоло-

С. ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири.



лар ва дори-дармонлар корейлик мутахассислар томонидан олиб келин-ди.

"Туркистон-пресс".



Юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, етук кадрлар тайёрлаш, шу билан бирга ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш ҳамда эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис, мактаб, касб-ҳунар коллежи

ва академик лицейларда янги ўқув бинолари барпо этилиб, мавжудлари қайта реконструкция қилинди. Барча ўқув масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий жиҳоз ва ўқув воситалари билан таъминланди.



бари Дилфуза Алиохунова. — Давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Янги қурилган, капитал реконструкция қилинган мактабларда барча шарт-шароит яратилган. Бундай ғамхўрликка жавобан ҳар биримиз янада қизиқиш, интилиш ва фидойилик билан меҳнат қиламиз.

Яна шуни таъкидлашни истардимки, касб байрамининг кунлари педагоглари-

кутлашди. Фаол ва аълочи ўқувчиларни эсдалик совғалари билан тақдирлашди. Худуддаги 57-умумтаълим мактабиди 740 ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга 39 ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Уюшма тақдим этган совғалар бу педагогик жамоани ҳам таълим-тарбия ишлари савиясини янада оширишга руҳлантирди.

— “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдирамиз, — дейди мактаб директори Сафарали Нурматов. — Бугун ўқитувчиларимизга кўрсатилган эҳтиром юртимизда таълим ходимларига кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. “Тўйтепаулгуржисавдо” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, халқ депутати Мирзокири Фозилов ўз сайлов округи ҳудудидаги мактабларга тез-тез бориб, педагогик жамоа аъзолари билан мулоқотда бўлади. Зарур бўлганда ёрдам кўрсатади. У кун кеча ўзи таълим олган 18-умумтаълим мактабиди бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат ўтказди. Ўзининг эсдалик совғаларини топширди.

— Мактабимизнинг собиқ ўқувчиси Мирзокири Фозилов амалга ошираётган ишлар билан доимо фахрланамиз, — дейди шу мактаб ўқитувчиси Мирмағзи Мираҳмедов. — У худудимиздаги кўплаб масалаларни ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатади.

“Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси вакиллари “Мир-акбар ота” ва “Шохрух” фермер хўжаликлари пахта далаларида ҳам бўлишиб, йиғим-теримда жонбозлик кўрсатаётган термчиларни эсдалик совғалари билан тақдирлашди.

Жамбул ҚҮРБОНБЕКОВ,
Собир ЗУФАРОВ
(суратлар),
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбирлари.

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ



лан қутлашиб, эсдалик совғалари ҳадя этдилар.

— Шундай шарафли касб эгаси бўлганимдан бехад фахрланаман, — дейди 10-умумтаълим мактаби раҳ-

миз кўнгиллари тоғдек қўтарилди. “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси вакиллари жамоамизда бўлишиб, фидокор ўқитувчиларимизни байрам совғалари билан

МАШҲУР ДИРИЖЁР ВА СКРИПКАЧИ

5 октябрь куни пойтахтимизнинг Туркистон саройида моҳир скрипкачи ва дирижёр Владимир Спиваков ҳамда ёшлар симфоник оркестри иштирокчида ажойиб концерт кечаси ўтказилди.

Владимир Спиваков Пётр Ильич Чайковский номи Москва Давлат консерваториясининг Давид Ойстрих синфидида таҳсил олиб, имтиёзли диплом билан тамомлаган. Санъаткор ўз репертуаридаги классик композициялардан Бах, Бетховен, Моцарт, Чайковский асарларининг тўлақонли ижроси билан санъат шайдоларининг меҳр-муҳаббатига ҳамиша сазовор бўлган. Талантли мусиқачи жўшқин ижодий ҳаётида жаҳоннинг Италия, Англия, Америка, Канада каби мамлакатларида ҳам кенг жамоатчилиikka таниқлидир. Концерт залларида скрипкада ижро маҳоратини намоён этиб, доимо олқишларга сазовор бўлган.

Хозирги кунда Владимир Спиваковнинг ижодий салоҳияти гуллаб-яшнамоқда. Илгари ҳам гастроль сафарлари билан Тошкентга бир неча бор ташриф буюрган истеъдодли созанданинг концерт дастурлари ўзбекистонлик мусиқа шайдоларининг гулдӯрс қарсақлари билан кутиб олинган. Санъат оламида Владимир Спиваков сингари санъаткорлар ижро маҳоратларини йиллар оша тақомиллаштириб, умр бўйи янги мақсадлар сари интилиб борадилар. Шу билан бирга, ажойиб ижролари билан томошабинларни ҳаяжонга солиб, уларнинг қалбидан чуқур жой оладилар.

Ҳасан ИБРОХИМОВ.

ҚИЛМИШ - ҚИДИРМИШ

Умуман олганда, оҳангаронлик шифокорлар — яхши мутахассислар. Бунга юзлаб ва минглаб муваффақиятли жарроҳлик операциялари, кўплаб шифо топган беморлар гувоҳ. Лекин...

Гуруч курмасиз бўлмайди деганларидек, биринчи навбатда шахсий манфаатини, ўз киссасини ўйлайдиган тоифалар ҳам учраб турар экан. Мана, ёши салкам ярим асрга тенг жарроҳ-ординатор Мансур Ўринбоев шайтон васвасига учраб, оқ халатга доғ туширувчи жиноят содир этди.

«КЕСАМИЗ ДЕДИМИ, КЕСАМИЗ!»

Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмасида умумий жарроҳлик бўлими мудири М. Ўринбоевнинг қабулига ёзилган Каромат Бойжигитова (исми-шарифи ўзгартирилган. — муаллиф) қорин қисми қаттиқ оғриётгани ҳақида шикоят қилди. Шифокорнинг иштакиси ҳаққалак отди-ю, “Сизни тезда

операция қилиш керак. Акс ҳолда — мemento мори, яъни ажал билан саломлашасиз!” деб кўрқитди. К. Бойжигитовага кейинчалик тўрт нафар мутахассис аниқлаган “ўткир холецист-

“таъмагирлик” деб изоҳлайди. Ваҳимага тушган Каромат дарров 500 “қўндан” қарз олиб, шифокорга тутқазди.

Жарроҳлик операцияси ўтказилиб, зарурат бўлма-

чиқариб юборишди. **ЛАТИФАНИНГ ИНТИХОСИ**

Каромат опанинг саргузаштлари бу билан тугамади. Мансур Ўринбоев уни яна жарроҳлик столига

йинчалик Тошкентдаги “Тиббий диагностика маркази”да бу ҳолат тасдиқланди...

Воқеанинг интихоси, ниҳоят сўдда яқун топди. Бир неча марта жарроҳлик операциясини бошидан ўтказган Каромат Бойжигитова ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этишга мажбур бўлди. Барча далиллари синчиклаб текширган суд Мансур Ўринбоев устидан 8 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳамда жазо муддатини ўтаб келганидан сўнг 3 йил муддат ичида соғлиқни сақлаш тизимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш юзасидан ҳукм чиқарди.

Оқ халатига қора доғ туширган шифокор-ку, қилмишига яраша жазосини олди. Аммо, фақат латифалардагина учраши мумкин бўлган бу воқеадан бошқа “дўхтирлар” тўғри хулоса чиқаришармикан? Биз, яъни уларнинг эҳтиомолдаги миждозларичи?

Ҳайрулла МИРЗАЕВ.

Шайхонтоҳур тумани ТСПҲИ томонидан рўйхатдан ўтган “МІКРО КОМПҲТЕР SERVІS” МҲЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный устав общество с ограниченной ответственностью “GUNN-STAR”, зарегистрированного отдела гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента (ИНН 300525073, ОКПО 22069618), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Афанди соч олдиргани сартарошхонага кирди. Сартарош Афанди билан ҳазиллашгиси келди ва ўтмасроқ устари қўлига олиб, соч қира бошлади. У орачора атайин “Қалай, тақсирим, азиз бошингиз азият чекмаяптими?” деб сўраб қўярди. Афанди нечолиқ қийнакса-да, тишини-тишига қўйиб ўтираверди. Ниҳоят, сартарош соч олиб бўлди. Афандининг жигига тегиш учун деди:

Қулганга нима етсин?

АФАНДИ БИЛАН САРТАРОШ

— Устара қалай экан, сизга ёқими?
— Устараг қиличдай экан, —

деди Афанди, — сочимни шундай силаб-сийпадики, кўзим иланиб, уйкуга кетибман. Туш қўрибман. Тушимда каттақон бир мошук бошимни тирнаётган эмиш. Кўзимни очсам, “устара қалай?” деб тепамда сен турибсан, баччагар... Сартарош бу сафар ҳам мот бўлди.



caricatura.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манъиялимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ